



ЁШ ЛЕНИНЧИ

Ўзбекистон комсомол-ёшлари рўзномаси

1991 йил
5 апрель
Жума
№ 52 (13.738)
Баҳонча: 6 тийин,
Обуначига: 8 тийин,
Сотувга: 10 тийин.

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ! • (السلام عليكم، عزيزي مشتری!)

Бугун — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи ташкил топган кун



...5
апрель,
1991 йил



Берган бўлур эдик... Ёшлардан хафа бўлишни ҳам, хурсанд бўлишни ҳам билмайсан. Ахир зарур вақтда улар ҳам ўлимга тик боқа олишлари мумкинлигини афшон уруши кўрсатмадилар...

Табриклаймиз, совриндорлар!

Ўзбекистон ЛКЕМ Марказий Кўмитаси Бюроси ишлаб чиқариш соҳасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари комиссиясининг тавсиясини кўриб чиқиб, меҳнатда юқори натижаларга эришганлиги, ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга ҳисса қўшгани ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашгани учун қуйидагиларга 1991 йилги Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотини берish тўғрисида қарор қабул қилди:

- Тошкент вилояти Пискент ноҳияси Тельман номида жамоа хўжалиги пахтачилик комсомол-ёшлар бригадаси (бригадир Каримкул Алмақулов).
- АЙТБОВА Зоя Оқиловна — Нукус Почтампил телеграфининг экспедитори.
- БОТИРАЛИЕВ Гулжон Носиралиевич — Фарғона вилояти Ўзбекистон ноҳияси В. И. Ленин номидаги жамоа хўжалиги комсомол-ёшлар бригадасининг етакчиси.
- ЖУРАЕВ Ибодулло Зиёдуллаевич — Сирдарё вилояти Илчи ноҳияси Волков номидаги давлат хўжалиги комсомол-ёшлар пахтачилик бригадасининг етакчиси.
- ҚОРАБЕКОВ Ажигали Исламович — Бухоро вилояти Тоғди ноҳияси Калинин номидаги давлат хўжалигининг бош чўпон.
- МАМАДАЛИЕВ Эркин Холдоревич — Самарқанд вилояти Пайариқ ноҳияси «Москва» жамоа хўжалиги комсомол-ёшлар пахтачилик бригадасининг етакчиси.
- НАРЗИҚУЛОВ Исрол Ашурович — Сурхондарё вилояти Денов автобус-таксиотопаркиннинг моторчиси.
- НУРАЛИЕВ Мамадйор — Жиззах вилояти Октябрь ноҳияси Ф. Хўжаев номидаги давлат хўжалиги комсомол-ёшлар пахтачилик бригадасининг етакчиси.
- ПРИМОВ Раҳмат Аҳмадович — Қашқадарё вилояти Ульянов ноҳияси Дзержинский номидаги давлат хўжалиги комсомол-ёшлар пахтачилик бригадасининг етакчиси.
- ШОДИЕВ Камол Годоевич — Жиззах вилояти, Дустлик ноҳияси, «Комсомол» давлат хўжалиги комсомол-ёшлар бригадасининг етакчиси.
- УРИНБОВ Камолхон Қамбарович — Наманган вилояти Наманган ноҳияси машини хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармаси тикув цехи комсомол-ёшлар жамоасининг бригадир.

ҲАММА — ЖУМҲУРИЯТ ҲАШАРИГА!

Ўзбекистон халқига мурожаат

Қадри юрдошлар!

Қайта қуришини шиддатли оқими Иттифоқимизда бўлгани каби жумҳуриятимизда ҳам инсон манфаати, унинг бахт-саодати, маънавийлиги ва инсонпарварлик қондаларини қарор топтириш йўлида бир мунча янгиланишларни олиб келди.

Юртимизда, қундалик турмушимизда юз бераётган маданий-маънавий ўзгаришлар, унутлаётган урф-одат, қадриятларимизнинг тикланганлиги, айниқса, Наврўзимизнинг умумхалқ байрамига айланганлиги қалбларимизни чексиз қувончларга тўлдирди. Ана шу Наврўзи олам айёмида айниқса, меҳр-муҳаббат, садоқат, дўстлик, шафқату-биродарлик туйғуларининг ҳар бир ўзбекистонлик дилдан жой олиши чеҳраларимизга нур, лебларимизга табассум ҳада этди.

Демак, Наврўз — бу гуллар, чечаклар, яшарли, яшнов, меҳр-муҳаббат, садоқат, дўстлик, биродарлик, одамийлик каби эзгуликлар мужассамлашган айёмдир. Бу байрам яна шуниси билан қадрлик, ана шу айни авжи кўклар пайтида дохийимиз В. И. Ленин дунёга келган. Бас, улуг дохийимизнинг номи баҳор билан чамбарчас боғлиқ экан, биз унинг туғилган кунин ерасида, яъни 20 апрелда Наврўзи олам кунлари бошланган хайрли ишларимиз кўламни яна ҳам кенгайтириб, ота-боболаримизни удуми — умумхалқ ҳашарини ўтказасан нур устига аъло нур бўлур эдик.

Ана шу умумхалқ ҳашарида сиз ва биз учун зарур бўлган кийим-кечаклар ва бошқа қамбў молларни кўпроқ ишлаб чиқарасан, яхши ният билан дастурхонимиз сароб бўлиши учун ерларга уруғ қадасан, топталган боғларни тартибга келтирасан, обиҳаёт улашувчи булоқларни тазаласан, бир-биримизга меҳр-шафқат кўрсатсан, муруватимизни намоен қилсан ўша кунин неча

йиллардан буён битмай келётган иморатлар тикланса, чакка ўтаётган томлар қайтаден таъмирланса, табиий талофотлардан зиён кўрганларга мададкор бўлсан.

«Саломатлик туман бойлик» деб халқимиз бежиз айтмаган. Ободончиликка, озодагарчиликка, саранжом-сариситаликка алоҳида эътибор бергандагина бунга эришиш мумкин. Шундай экан, шаҳар-қишлоқларимиз кўчалари чиқиндилардан тазаланса, боғларда нисолган дархатлар ўрнига ниқоллар экиلسа, ифлосланган ётган ариқ-зовурлар тартибга келтирилса, хонадонимизга яна ҳам файз-тароват кириб, кайфиятларимиз хушнуд бўлур эдик.

Аминимизки, ўша кунин ҳашарга чиқадиган ҳақсано ёш, ўқувчилар, талабалар, ишчи-деҳқон, зиёлилар, йигит-қизлар вақтларини беҳуда ўтказмайдилар. Сидқидилдан меҳнат қилишса, ўз касабга уюшмаларининг махсус жиғармасига муносиб улушларини қўшадилар. Уюшма ҳаётига тушган бу пуллар кам даромадли дўст-биродарларимизнинг бирон-бир камомадларига сарфланса, эзгу бир ишни амалга оширган бўламиз.

Биз истардикки, катта ҳашар кунинда олий илмгоҳларнинг талабалари бирон-бир қурилиш майдонинда ишласа, қорхона ёки ишчи кучи етишмасдан қайтарилган хабарларни, болалар майдончаларини тартибга келтирсан, шу кунин яхши ният, умид билан уруғ қадаган деҳқон илгаригидан кўра кўпроқ, уюмлароқ меҳнат қилсан.

Азиз дўстлар! Очо юртимиз Ўзбекистоннинг чиройи чирой, меҳнатқаш, оқинқўнғил, муруватли халқи турмуш фаровонлигига муносиб улуш қўшиш учун жумҳурият умумхалқ ҳашарига чиқинг, қўйиши юртинг есл фарзанди эканлигингни меҳнат майдонинда, ҳашарчилар сафида намоен қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕМ МАРКАЗИЙ КЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЯ ЖАМИЯТИ

ЖУМҲУРИЯТ МЕҲР-ШАФҚАТ ЖАМҒАРМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТЛАРИ КОМИССИЯСИДАН

Фан ва техника соҳасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари комиссияси маълум қилди: мукофотга тақдим этилаётган ишларни топшириш муддати шу йил 15 майга қадар узайтирилди.

Маълумотлар учун қуйидаги телефонларга сиз қўқинишгиз мумкин: 39-11-00, 39-19-16.

Фан ва техника соҳасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари комиссияси.

Ёшларга ғамхўрлик намунаси

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов нарх-наво ошган ҳозирги даврда жумҳурият ёшларига яқинда эътибор бериши, ёшларга чинқам ғамхўрлик бўлишига қарқилини амалда намойиш этмоқда. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маққамасининг келинқуваларга меҳабел, гилам ва гилам поёндошларни сотишини имтиёзли тартиб тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда шундай дейлади: «Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маққамасининг 1990 йил 27 ноябрдаги 370-сонли қарори 4-бандининг биринчи абзаци қисман ўзғартирилиб, 1991 йил 3 апрелдан бошлаб биринчи марта ниқодан ўтаётган келин ва қуваларга битта гилам ёки гилам поёндош, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган битта меҳабел йғмаси ёки мамлакатимизда ишлаб чиқарилган йғмага ва гарнитурга кирмайдиган бошқа меҳабел буюмларини шартнома (эркин) нарқларининг, бошқариладиган ёки белгилб қўйилган нарқларининг 75 фоизини, лекин ҳар оилага ҳўн билан 1500 сўм чегириб сотиш жорий этилсин.

Маълумки, Иттифок ҳуқуқига 1990 йил 15 ноябрдан меҳабел гарнитурлари ва гиламларга шартнома нарқларининг жорий этганлиги муносабатин билан Ўзбекистон ССЖ ҳуқуқини шартнома нарқларининг меҳабел нарқларининг келинқуваларга сотиб олаётган тақдирда 40 фоиз, лекин ҳар оилага ҳўн билан 800 сўм чегириб тўғрисида қарор қабул қилган эдик.

Шу йил 2 апрелдан қўнқинрган чакана нарқлар ислоҳоти меҳабелнинг барча турларини,

шу жумладан меҳабел гарнитурларига кирмайдиган турларини, шунингдек, гиламларининг чакана нарқини оширишни қўзда тутеди. Жумҳурият ҳуқуқати қарор топан миллияри аёнарларни ва ёш оилаларга меҳабел беришининг катта ижтимоий аҳамиятини қўзда тутиб, ана шундай молларни харид қилиш чоғида уларнинг нарқини чегириб ниқдорини деярли икки баравар қўлайтириши имкониятини қидириб топди. Ушбу қарор билан берилган ниқматлар 250 миллион сўм ниқдорда бўлади, деб бақоланди, бу эсе ёш оилалар сарқомисига салқомил қўшинамидир.

Меҳабел молларини биринчи марта ниқодан ўтган шахсларга имтиёзли сотишининг аниқ тартиби фўқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари, халқ депутатлари кишлоқ (оавул), посёлка Кенгашилларнинг ниқроа қўмиталари томонидан икки ёки бир кишига имтиёзли нарқлар билан меҳабел, гилам ёки гилам поёндош сотиб олиш ҳуқуқига сарқва берилишини қўзда тутеди. Бундай ёшларга меҳабел сотиш учун буюртмалар рўйқатга олинган кундан бошлаб бир ой ичиде расийлаштирилиши керак. Савадо ташқилоти меҳабел сарқва ва ниқоқ гувоҳномасига асосланиб, меҳабел ва гиламни сотиладиган нарқини 75 фоиз ниқдорда, лекин икки кишига 1500 сўмдан ёки бир кишига 750 сўмдан ошмаган ниқдорда чегириб сотади.

Мегазинга муножаат қилинган пайтда зарур моллар бўлмаган тақдирда буюртма расийлаштириб қўйлади. Мол келиши биланқон мегазини келинқуваларга тақинфнома юборати меҳабелнинг барча турларини,

ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

Ўзбекистон комсомоли ўтган давр ичиде катта ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Эндиликда ташқилот номига билдирилётган танқидий фикрларни инкор этмаган ҳолда тан олиш керакки, комсомол учун минглаб ёшлар жон олиб, жон беришди. Нима бўлганда ҳам тарихни инсонлар хотирасидан ўчириб юбориб бўлмайди. Рўзномамизнинг иккинчи саҳифасида «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари»

ойнасузи остида Ф. Қиличев ва И. Усмоновнинг «42-хона» тутқуни» сарлавҳали мақоласини ўқисангиз, бунга яна бир бор амин бўласиз.



Биринчи лигада нима гап?

Мана бугун мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лигасида ўйнаб бошланади. Биз «Нефтчи» ҳамда «Навбахор» командалари ҳақда ўтган йили мавсум охирида ба тафсил маълумот берган эдик. Албатта, шундан бери бу жомоалардаги ўзгаришлар ҳақда муҳлислардан қўпал мактублар келди. Кечанига Фарғона ва Намангандан яна хабарлар эшитдик. «Нефтчи» команди сиз беш тренери Юрий Саркисанининг айтишича, ўтган йили команда тарқинида ўйнаган футболчиларнинг деярли ҳаммаси бу йил ҳам команда шарафини ҳимоя қилди. «Актобинск»дан Е. Розалин, А. Минляев (инкаваласи ҳам собиқ пахтакорчи), Владикавказдан ҳимоячи Ф. Гоглаев ҳамда «Олгадан» С. Пацайлар қабул қилинган...

Илк олимпиада

Хўжанд вилоятининг тожикистонлик мактаб ўқувчилари ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича ўзаро беллашдилар. Жумҳуриятнинг Хўжанд, Қўрғонтепа, Кўлоб вилоятлари ва ноҳияларинда яшаётган 1 миллион 200 минг ўзбекларнинг 79 вакили олимпиадада иштирок этди. Улар уч кун мобайнида ўтмиш ва ҳозирги замон ўзбек шоирлари, адиблари асарларини ифодали ўқини бўйича беллашдилар. Эркин мавзуда ишчи ёздилар. Гапни грамматик ниқоддан таҳлил этдилар. Урта мактаб дарсликларига киритилган атоқли ўзбек азувчилари асарлари асосида тузилган луғат билан ишлаш юзасидан ўз билми ва истеъдодларини намойиш қилдилар. Олимпиада шартларини муваффақиятли бажарган хўжандлик Ф. Худойбердиева, панкилик Н. Аҳмедова, пролетарлик Н. Олимова ўз тенгдошларни ўртасида голиб чиқдилар. 11-синф ўқувчиси Ф. Худойбердиева Хўжанд дарилмуаллимнинг ўзбек тили ва адабиёти куллиётига имти-

хонсиз қабул қилинадиган бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган ўқувчиларга олимпиаданнинг кумуш ва бронза медаллари берилди. Шунингдек, олимпиадада муваффақиятли қатнашган 5 нафар ўқувчига Хўжанд дарилмуаллимнинг ўзбек тили ва адабиёти куллиётини тавсияномаси топширилди. Голиблар, совриндорлар ва яхши натижага эришган ўқувчиларга олимпиада ташқиллий кўмитаси, ноҳия халқ тазлими бўлими ва комсомол кўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда совринлари тақдим этилди.

Ноҳия Шўро кенгаши иқроия кўмитаси ва ноҳиядаги бир неча хўжаликлар бу ибратли тадбирдан четда қолмадилар. Улар олимпиадада қатнашчиларини рағбатлантириш макседида пул мукофоти тавсия этдилар. Қўшни Гончи ноҳиясидаги «Ленинград» шўро хўжалиги директори А. Замали Умаралиев олимпиаданнинг 4 нафар қатнашчига шахсий тўғрисида сифатинда қимматбаҳо рўмол ҳада этди. Жумҳурият тарихида биринчи олимпиада янунланди. Энди у анъанави тус олади. Тожикистон Халқ тазлими вазирилик бу ҳақда махсус қарор қабул қилди.

Алиқон ЕТМИШБОВ, Нов ноҳиясидаги «Коммунизм сапар» рўзномаси маъсул котиби.

«Ўтган кунлар» асаринда бу ном бир неча бор тақдорланади. Дарвоқе, атоқли адибимиз ҳам шу кўча орқили ўтиб, ўзлари яшайдиган... Оваслинов (илгари у Мурманск деб аталарди) кўчасига кириб борардилар. Худай шу кўчада мусавер Алиқон Холиқов ҳам яшаб, иқод қилган эдик. Алиқон ақани муштурмонлар, айниқса, яхши билмайдилар. У узоқ йиллар «Ёш Ленинчи» рўзномасида ҳам ишлаган. Бугун унинг шоғирлариде қарийб барча ойнама ва рўзномаларда бор.

Истеъдодли рассом номини абадилаштириш юзасидан қилинган саяёҳаракатлар, ниқоҳат ўз самараларини берди. У яшаган кўчанинг номи ўзгартирилиб, Алиқон Холиқов кўчаси деб аталандиган бўлди. (Ўз муҳбиримиз).

Талабалар талаби

Кеча Тошкент муаллимлар олий билимгоҳи талабаларининг норозилик чиқишлари бўлиб ўтди. Улар талабалар ошхоналаридан оватларнинг қиймати ошиб кетганлиги, йул ҳақларининг қўтариламанлиги, қолаверса, ётоқхоналардаги аҳолига ортқ бардош бериб бўлмастлиги тўғрисида фикрлар билдиришди. Қўпчилик куллиёт ва курсларда дарслар тўхтаб қолди. Раҳбаринг та талабаларнинг вақиллари иштирокида ўтказилган факултода йнгилишда қуйидаги қарорларга келинди: талабалар ошхоналаридан оватлар қийматининг 50 фоизга камайтириш, олий

билимгоҳ талабаларига ойнага 30 сўмдан қўшимча ҳақ тўлаш, талабалар учун нархи камайтирилган йул чипталарини жорий этиш ва ётоқхоналардаги аҳолини ўрганиш.

Қабул қилинган қарорларнинг амалга ошишини талабалардан тузилган ташқиллий кўмита ўз назоратига олди.

А. РАВШАНОВ.

Эшитдингизми, ўқидингизми?

3 апрел кунин Совет Иттифоқи ва Литва делегациялари ишчи гуруҳларининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда делегацияларнинг 4 апрелда Кремлда бўладиган расий улашуви учун тартиб ва бошқа масалалар муносабатини қилинди. Диний жамоаларнинг тиқн-тотув яшаш тартибисини, иқозили вазиятларини ҳал қилиш йўллари — ана шу масалалар бугун «Ислоом политикни» Россия, Оврупо ва Африка — қиссий таҳлил назарий конференцияси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Аинуманинг КПСС Марказий Кўмитаси ҳузуридаги ҳозирги замон ниқтимоий муаммоларни илмгоҳи билан ССКИ Фанлар академияси Африка илмгоҳи ташқил этди. Грузия аҳолиси ўртасида мамлакатининг бошқа мамлакатлариданга нисбатан ақча юқори бўлган йнги нарқлар жуда катта шов-шувга сабаб бўлмоқда, норозиликлар келиб чиқмоқда.

